



Gazeta 1995-yil,  
10-iyundan chiqqa  
boshlagan

Har oyda ikki  
marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil,  
23 dekabr,  
Juma

24  
(330)  
son

# Milliy tiklanish

## ИНСОН МАНФААТЛАРИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Хомийлик инсон қалби ва юрагидаги энг эзгу туйғуларнинг амалий ифодаси. Бева-бечораларга, етим-есир, мухтож кишиларга кўмак ва ёрдам беришга, одамларнинг дардига ҳамдард бўлишга, савоб ишни кўпроқ қилишга интилган кишилар доимо эъзоз топаверади.

Ўзбекистон Президенти И.Каримовнинг Конституция-мизнинг 13 йиллигига бағишланган тантанادا сўзлаган нутқида белгилаб берилган вазифалар ҳақида ҳамда «Хомийлик - шифокорлик: мохияти миллий тушунча» мавзусида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши котибияти ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясининг кенгайтирилган йиғилишида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Абдуғафур Маматов маъруза қилди. Йиғилишида ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмухамедов Марказий кенгашининг 2005 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисобот берди.

Президентимиз 2005 йил бошидаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма йиғилишида «Миллий тикланиш» партияси шаънига «Йиллар ўтар, партияларнинг номлари ўзгарар, фаолияти тўхтаб қолар, аммо «Миллий тикланиш» партияси ва унинг номи бокийдир» деб айтган сўзлари доимо дилимизда. Шундай илқ фикр билан бирга партиямиз олдида турган вазифалар жуда кўплиги ва бу борада хали ишлар кўнгилдагидай эмаслиги ҳам алоҳида таъкидланганда.

Дарҳақиқат, давлат томонидан партияларнинг молиялаштирилиши янада яхшироқ ишлаш, халқ ичига кириб бо-

риш учун имкониятлар берди. Партиямиз фаоллари Президентимиз фармонларидан, ҳукумат қарорларидан келиб чиқадиган вазифаларни амалга ошириш учун ҳаракатда.

Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги партия-миз фракцияси қонун лойиҳалари ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишда фаол иштирок этаётди. Улим жазосини бекор қилиш, санкция бериш ваколатини судларга ўтказиш бўйича фармонлар мохиятини жамоатчиликка тушунтириш ишларини олиб борди. Энг қувончлиси, партия аъзоларимиз сони 80 мингтадан ортиб кетди. ЎзМТДП ташаббуси билан Республика Халқ таълими вазирлиги, «Маърифат», «Миллий тикланиш» газеталари ҳамкорликда «Давлат тили-фаҳримиз, гуруримиз» ижодий ишчи танлови ўтказилди.

Шунингдек, «Миллий калом, миллий таом, миллий либос» танлови ва шу каби юзлаб тадбирлар жуда кўп-ринки руҳда ўтди. Олий Мажлис депутатлари, Марказий кенгаш аъзолари, таниқли ижодкорлар иштирокида вилоятларда, туманларда учрашувлар бўлди. Жуда кўп хайри тадбирлари ўтказилди. Партиямиз Марказий кенгаш аппарати ўз манзилига эга бўлди. Хизмат автомашинаси, компьютерлар, мебел жиҳозлари олинди. Партия фаолияти оммавий ахборот воситаларида мунтазам тарғиб

қилиб борилаётди. «Миллий тикланиш» газетаси ишнини жонлантиришга ҳаракат қилинаётди. Аммо бугун амалга оширилаётган ишларнинг ҳароратини кўтариш лозим. Бошқа партиялар билан рақобат даврида ишларни жонлантириш керак.

«Миллий тикланиш» газетасига обуна уюштириш кўнгилдагидай эмаслиги, газетادا танқидий мақолаларнинг камлиги ҳақида фикрлар билдирилди. ЎзМТДП Марказий кенгашининг 2005 йилги молиявий фаолияти юзасидан Марказий кенгаш котиби Мунира Қориева, Марказий кенгаш дивони бош ҳисобчиси Райхон Бобомирзаева ҳисобот берди.

Йиғилишида партия дастури, рамзи ва аъзолик гувоҳномаларининг янги нусхалари муҳокама қилинди. Марказий кенгаш аъзоси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Сарвар Абдуллаев ЎзМТДП ва Ўзбек Миллий академик драма театри ўртасидаги ҳамкорлик битими тўғрисида ахборот берди.

Йиғилишида ЎзМТДП Марказий кенгашининг навбатдаги пленуми кун тартиби тақдирланди. Ўз-ўзини танқид ва талабчанлик руҳида ўтган йилиги шундай ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмухамедов олиб борди. Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗ МУХБИРИМИЗ



Умрини эзгуликка бағишлаб яшган инсонни ҳаётнинг ўзи бебахот тўғралар билан сийлайди. Ташкент туманидаги Охунбобоев номили ширкат хўжалигида яшаб, қариллик гаш-

тини сураётган Эркин Ғуломов ҳам ана шундай бахтга муяссар зибиллардан бири.

Нўмонжон МУХАММАДЖОНОВ сурат-лавҳаси.

## ДОИМО ЭЛ АРДОҒИДАСИЗ

Янгийўл шаҳрида ЎзМТДП Ташкент вилояти Кенгаши ташаббуси билан «Ноғиронлар кўни»га бағишланган «Доимо эл ардоғидасиз» номи остида хайрия тадбири бўлиб ўтди. Тадбирда ЎзМТДП фаоллари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Шари-фа Салимова, Мунира Қориева, Ўзбекистон халқ шоириси, «Саодат» журналининг бош муҳаррири Ойдин Ҳожиева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, адиба Олмосхон Аҳмедова, шоира Насиба Дилсўз, «Шарқ булбули» номи остида санъаткор Насиба Сатторова ва Алишер Навоий номидagi опера ва балет театри яққол хонандаси Хотамжон Юлдашевлар иштирок этидилар.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Мунира Қориева Янгийўл шаҳар Марказий шифоконасига «Жўрабек» хусусий дорихонаси томонидан тортиқ қилинган тўрт миллион сўмлик хайрия дори-дармонларини топширди. Янгийўл шаҳар ва туман ноғирон болалари учун тўрт юз минг сўмлик дори-дармонлар, болаларга совға-саломлар топширилди.

Шоира Ойдин Ҳожиева «Саодат» журналі ҳақида гапириб, журналінинг 1-сонидан 80 йил муқаддам Янгийўл шаҳрининг «Қонунчи» туманида чоп этилганини таъкидлаб ўтди. Янгийўл шаҳридаги 10 нафар кам таъминланган оилалар 2006

йил учун «Саодат» журналіга бепул обуна қилинди. Шоира Насиба Дилсўз ажойиб шеърлари билан тадбир фойзига фойз қўшди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, адиба Олмосхон Аҳмедова яқинда Исроиил давлатига сафар қилгани, Ўзбекистон халқ шоири Фафур Фуломнинг бундан 65 йил муқаддам ёзган «Мен яхудиёман» номи шеъри Исроиил ёшлари қалбига чуқур кириб боргани ва у ерда Фафур Фулом хотира-сига бағишлаб бог барпо қилиниб, шоирга атаб мармар ҳайкал ўрнатишгани ҳақида сўзлади.

Гулгун РАХИМОВА

## 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

### Навоий ҳимматининг ҳавоси тегсин

Бобомиз Мир Алишер Навоийнинг шундай пурҳикмат сўзлари бор: «Инсоният боғининг дилписандроқ шажари (даракти) эҳсондур ва одамийлик қонининг аржумандроқ гавҳари ҳам эҳсондур».

Навоий тарихда энг улуг саховатпеша, энг улуг ҳомий номини олган буюк зот бўлган. Олиму шоирларга, санъаткорларга ҳомийлик қилган. Минглаб кишиларга моддий ёрдам берган, истейдод соҳибларини қаноти остига олган. Мадрасалар, макбаралар, ҳаммом ва тегирмонлар, боғлар барпо этган. Умрининг охирида эса барча мулки ва маблагларини маърифат масканларига вақф қилиб қолдиришини васият этган.

Асл зотида саховати бор кишиларгина қалбларга меҳру муҳаббат, эзгулик уругини сепишга қодир бўлади. Саховатли инсон ерни кўқартирадиган, ҳосилга барака киритадиган «ёғинли» булут, саховати йўқ киши «ёғинсиз» булутдай.

Мухтож одамларга, ғариб ва бенаво, бева-бечора, етимлар, қаровсиз қолган қарилар, толиби илм бўлганлар ва фақир унорларга тўхта, инъом беришдан кўра савоблироқ юмуш бўлмаса керак.

Хулқ ативорда покиза, камтарин, ҳаммага ўз фарзандидек меҳрибон инсонлардан бири — янгийўллик Ўлмас ота Машариповдир. Мана етмиш беш ёшдан ўтсалар ҳам ҳамон эл-юрт хизматига. Энг азиз неъмат — нон ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари. У кишига Янгийўлда кўпчилик ота деб муносабат қилади. Сабаби бор — у барчага отадек меҳрибон. Ун бир фарзандининг барчаси олий маълумотли, элнинг ҳурматли кишилари. 36 невара, 11 чевара. Қарангли, Ўлмас ота барча неварачу чевараларининг ис-

мини ўзи қўйган. Бундай бахт ҳам ҳаммага насиб қилавермайди. Ўз дунёқараши, ўз фикри бор. Айниқса, илми кишиларни бошида кўтариб юради. Таниқли туркийшунос, навоийшунос олим Алибек Рустамов Ўлмас отани ўзининг ҳаёт устозини ва валинеъматини деб атади. Бу эътирофининг ўзи ҳам Ўлмас отаниннг қандай ажойиб инсон эканига бир мисол. Дарҳақиқат, Ўлмас ота ҳақида бир неча китоблар ёзилган. Боиси ҳам унинг саховатпешадан кўра савоблироқ юмуш мурувватлар, саховат ва ҳомийлик ишларини санаб, адоғига етиб бўлмайди. Ёзса, саҳифаларга сиймайди.

Президентимиз 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб атаб, жуда улуг иш қилди, - дейди Ўлмас ота Машарипов. — Йилнинг шундай аталishi Навоийдек улуг ҳомий боболаримиз руҳини шод этади. Хожа Аҳрор Валийдек жаҳонни валийликка нурафшон этган зотларга ҳурмат баҳо келтиради. Улар ҳеч қачон дунё тўллашга ҳирс, мол-давлатга меҳр қўймаганлар, аксинча, ҳомийлик қилишга, мурувват



Суратда: Ўлмас ота Машарипов фарзандлари, набиралари билан.

кўрсатишга иштиёқманд бўлганлар. Саҳийлик инсоннинг энг улуг зийнатидир. Келгуси йилда шундай зийнатли кишилар барчанин

кўнгилларига шодлик улашаверсин, саховат гулшанидан гулдасаталар тутаверсин. Бизнинг тилагимиз, бир-биридан мўмин-қобил фар-

занду зурриятларингиз бахтига доимо соғ бўлинг, Ўлмас ота!


Дилмурод КИРФИЗБОВ

## ПАРТИЯМИЗ ФАОЛЛАРИ

### ИШОНЧНИ ОҚЛАШ КЕРАК

ЎзМТДП Бухоро вилоят Кенгашининг иши кундан-кунга жонланиб бормоқда. Партия фаоллари билан жойларда учрашув ва мулоқотлар ташкил қилинмоқда. Уларда мавжуд муаммолар ҳам ҳал этилаётди. Халқ билан ҳамнафас бўлиш жараёнида партиямиз аъзолари элнинг оғирини енгил қилиш мақсадини биринчи ўринга қўйгани сезилаётди. Шу боис ўтказилаётган тадбирлар бесамад кетмапти. Партиямиз сафларига янги аъзолар қабул қилинмоқда, муаммолар ўртага ташланиб, ечими топиламоқда. Ахир одамларнинг ишончини оқлаш керак!

Жондор туманининг «Хумин» қишлоқ фуқаролар йиғини «Раҳимобод» аҳоли пунктида учрашув ўтказдик. Тадбир аввалида йиғилганлар ЎзМТДПнинг Ниёми билан нишишиди. Ке-қабул қилинамонлар ва роси хусусида раларга бой воблар бўлишувда аҳоли-руҳи 2005 йилдан буён томо-сув иммаётган билан бирон ланмаётганлик-катгина электр



яқиндан та-йинги вақтда ётган фар-уларнинг иж-бахс-муноза-савол-жа-ўтди. Учра-нинг бир гу-нинг августи-рка ерлари лиги, су иш киши шугул-ли, сув фа-токи ёрдами-да келиши, хўжалик фермер хўжалигига айлан-тирилганидан кейин фермерлар бу муаммога эътиборсиз-лик билан қараётганлиги ҳақида гапиршиди. Муам-мони ҳал этиш мақсадида фермерлар билан гап-ла-шилди. Улар «Жондор» электр тармоқлари идора-сидан қарздорлиги учун электр токи узиб қўйилган-лигини айтишди. Ахвол атрофлича ўрганилди. 35 йил-илгари айтилган янги ариқ қазиб, сув келтириш му-аммосини ечиш тўғрисидаги таклиф яна ўртага таш-ланди. Бу масала ҳашар йули билан ҳал этиладиган бўлди. Орадан кўп вақт ўтмай аҳолининг боши қовуш-тирилиб, ҳашар ташкил қилинди ва муаммо ўз-ўзи-дан ечимини топди. Бундай хайрли ишларни парти-ямиз аъзолари ҳаммиса қўллаб-қувватлайди. Янги йилда имкониятларимиздан келиб чиқиб сўхбат ва мулоқотларни тез-тез ўтказиб туришга келишимиз ол-дик.

2006 йилнинг хайрли бўлисин!

Ўбайдулло НАБИЕВ,  
ЎзМТДП Бухоро вилояти  
Жондор тумани Кенгаши раиси

### ҲАРАКАТЛАР АВЖ ОЛАДИ

Баҳодир Саидов Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қашқадарё вилоят Кенгаши аъзоси. На-зорат-тафтиш ко-миссияси раиси. 2005 йил май ойидан буён ЎзМТДП Шаҳри-сабз туман Кенга-ши раиси лавози-мида фаолият кўрсатмоқда.



У ёшларга хос ғайрат билан ишга киришиб, туман хотин-қизлар кўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Шаҳрисабз тумани Кенгаши, «Махалла», «Нуроний» жамоатчилиги туман бўлимлари билан жамоатчилик ўртасида қатор тадбирларни ўтказди.

Туманда қисқа вақт ичида 10 дан ортиқ бошланғич партия ташкилотлари тузилди. Партиянинг наشري бўлган «Миллий тикланиш» газетасига обуна ташкил қилишда, оммавий-сиёсий тадбирлар ўтказиш учун ҳаракатлар қил-моқда.

Партия аъзолари сафини салоҳи-ятли, етук инсонлар билан кенгайти-риш, кадрият кечалари, элимиз, халқ-имиз севган шoirлар, санъаткорлар билан учрашувлар ўтказиш, уларда «Миллий тикланиш» демократик парти-ясининг дастурий госяларини таъсир-чан тарғиб қилиш йўлларини изламоқ-да.


— Янги 2006 йил — биз учун ҳомий-лик ва халқ саломатлиги учун сая-ҳаракатлар янада авж оладиган йил, - дейди фаолимиз Баҳодир Саидов. — Ал-батта, партиявий ишларимизни янги босқичга кўтарамиз. Ёшлик ғайрат-ши-хоати билан янги ҳаёт марраларини забт этамиз, деб ўйлайман. Янги йилингиз муборак бўлсин!




**КАДРЛИ МУШТАРИЙ!**  
«MILLIY TIKLANISH» ҳафталик газетасига 2006 йил учун обуна давом этмоқда. Газетамиз сизни ҳаётингиз, инсоний, сиёсий кадриятларга ошно этади.

**ЎзМТДП вилоят ва туман кенгашлари, партия фаоллари ва хайрихоҳлари, муштарийларимиз диққатига!**  
«Миллий тикланиш» газетасига 2006 йил учун обуна уюштиришда қатнашиб, туман кенгашлари ва фаоллари, хайрихоҳлари, муштарийлари йиллик обуна миқдорини 50 донадан, вилоят кенгашлари эса 200 донадан оширса, ташкил қилган жамаи обунаси учун ҳар дона газетача 750 сўмдан мукофот пули берилади.  
ЎзМТДП Марказий кенгаши «Миллий тикланиш» газетасига жойларда обуна уюшти-риш, унинг мазмунодорлиги ва муқдаража-сини бойитишга катта ҳисса қўшган партиянинг вилоят кенгашларини йил яку-нида алоҳида қимматан совғалар билан тақ-дирлайди.  
«MILLIY TIKLANISH» ИНДЕКСИ: 158

“ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ -  
ХОЛДИНГ” компанияси






кириб келаётган





2006 йил билан

муборакбод этади!



*Янги йил барчангизнинг хонадонингизга тинчлик,  
хотиржамлик ва дастурхонингизга файз-барака, тўкинлик олиб келсин!  
Янги йилда боғларингиз болга, қалбларингиз қувончга тўлаверсин!*

*“ЎЗМЕВАСАБЗАВОТУЗУМСАНОАТ - ХОЛДИНГ” компанияси*





Ўзбекистон мустақилликка эришгач, жаҳонга бетақрор жиҳатлари билан юз тутди. Жумладан, «UZ DAEWOO AVTO» енгил автомашиналари билан ҳам. Бугун «Тико», «Дамас», «Нексия», «Матиз», «Ласетти» номлари билан чиқарилаётган машиналар халқаро йўллари яшнатиб елмоқда.



**"САМАРҚАНДАВТОТЕХХИЗМАТ"**

Янги йилингиз муборак, йўлларингиз рабон,  
манзилингиз нурли бўлсин, азиз юртдошлар!

«Самарқандавтотеххизмат» акционерлик ҳудудий уюшмаси жамоаси



Орзуларингиз ушалсин!

2006 йил

**ПАХТА BANK**

Самарқанд вилоят бошқармаси

«ПАХТАБАНК» САМАРҚАНД ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ТУЛЛАБ-ЯШНАШИ УЧУН ИСЛОХОТЛАРНИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРАЁТГАН МУСТАҚИЛЛИК ФИДОЙИЛАРИ БИЛАН ҲАМИШАГИДЕК ЯНГИ ЙИЛДА ҲАМ ҲАМНАФСДИР.

**Бизнинг банк сизнинг хизматингизда!**

Акциядорлик тижорат «Пахтабанк»нинг Самарқанд вилояти бошқармаси

**АТ «ПАХТАБАНК» БУХОРО ВИЛОЯТИ ЖОНДОР БЎЛИМИ**

АТ «Пахтабанк» Бухоро вилояти Жондор бўлими юртдошларимизни кириб келаётган Янги йил билан муборакбод этади.

**«Пахта банк»**  
фаровонлигингиз калитидир

2006 йил  
барчамиз учун  
Бахт ва омад  
келтирсин!



**«САТУРН»**

«САТУРН» ИМКОНИАТЛАРИ:

- Қурилиш учун зарур бўлган исталган материал мавжуд.
- Фирма буюртмалар асосида ҳам ишлайди.
- Савдо чакана ёки улгуржи тарзда амалга оширилади.
- Юк харидорнинг истагига кўра манзилга элтиб берилди.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Ҳикматилло Асадов кўчаси, 9-уй. Тел: 8 3662 23-89-22

Дунёни узук деб билсак, унинг гавҳари бўлмиш Самарқанд шаҳрида фаолият кўрсатаётган «САТУРН» ишлаб чиқариш савдо фирмаси жамоаси мустақил юртимиз аҳлини янги 2006 йил билан қизғин қутлайди.

Улкан қурилишлар майдонига айланган мамлакатимизда бири-бирдан гўзал, бетақрор иншоотлар қад ростлайверсин.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган материаллар, турли мосламалар, газ, сув, электр тармоқлари монтажи учун барча воситалар, пайвандлаш материалларига бўлган талабингизни тўлиқ қондиришга кафолат берамиз.

Жамоа номидан  
Фирма директори  
Мамажон МУҲИТДИНОВ



Янги йилингиз қутлуз бўлсин,  
азиз юртдошлар!

